

Саҳих эътиқод ва унга зид бўлган нарсалар

{العقيدة الصحيحة وما يضادها ونواقض الإسلام} 
[Ўзбек – Uzbek - أوزبکي]

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿العقيدة الصحيحة وما يضادها ونواقض الإسلام﴾

«باللغة الأوزبكية»

عبد العزيز بن عبد الله بن باز

2009 - 1430

islamhouse.com

«Ахлуссунна вал-жамоа» кутубхонаси

Аллома Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз раҳимаҳуллоҳ

СОГЛОМ ЭЪТИКОД

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

Аллоҳнинг ўзигагина хамду санолар, пайгамбаримизга салавот ва саломлар бўлсин!

Сўнг ...

Соглом эътиқод Ислом динининг асоси ва Умматнинг пойдевори бўлгани учун, бу сухбатимизда у хакида сўз юритмокчиман.

Куръон ва суннатнинг шаръий далиллари билан маълумки, сўз ва харакатлар соглом эътиқоддан содир бўлсагина тўгри ва кабул бўлади. Агар эътиқод бузук бўлса ундан келиб чиккан барча шохобчалар ботил бўлади. Аллоҳ таъоло деди: «**Иймонга кофир бўлган банданинг амаллари бекор бўлади ва У охиратда зиёнкорлардан бўлади»** (Моида:5)

«Сизга ва сиздан аввал юборилган пайгамбарларга: «Агар ширк келтирсангиз амалларингиз бекор ва ўзингиз зиёнкорлардан бўласиз»- деб вахий килинди» (Зумар:65). Бу маънодаги ояtlар жуда хам кўп.

Куръон карим ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг суннатлари соглом эътиқоднинг Аллоҳга ва Аллоҳнинг фаришталари, китоблари, пайгамбарлари, охират куни, тақдирнинг

яхши ва ёмонига иймон келтиришда хулосаланишига далолат килади. Бу олти нарса Куръон Карим ва расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам олиб келган соглом эътиқоднинг асосларидир. Бу асослардан иймон келтириш фарз бўлган гайб ишлари келиб чикади.

Аллох таъоло ва расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хабар берган барча нарса ва бу асосларнинг далиллари Куръон Карим ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларида жуда хам кўпдир.

Аллох таъоло деди: «Эзгулик – юзингизни шарқ ва гарб тарафларга буришингиз эмас. Балки, эзгулик – Аллохга, охират кунига, фаришталарга, Китобга ва пайгамбарларга иймон келтирган кишининг (эзгулигидир)» (Бакара:177)

«Пайгамбар ва мұммилар (пайгамбарга) индирилган нарсаларга иймон келтирилар. Барчалари Аллохга, унинг фаришталари, китоблари, пайгамбарларига иймон келтирилар (ва): «Бизлар Аллохнинг пайгамбарлари уртасини айримаймиз»- (дедилар)» (Бакара: 285)

«Хой мұммилар, Аллохга, Унинг пайгамбариға, шу пайгамбариға нозил килган Китобга ва ундан аввал индирилган Китобларга хамда охират кунига иймон келтиринглар!» (Нисо: 136)

«Аллох само ва Ердаги барча нарсани билиши ва уларнинг хар бири Китоб (Лавхул-Махфуз) да ёзилган эканини хамда буларни билиш Аллох учун жуда хам осон эканини билмайсизми?!» (Хаж: 70).

Бу асосга далолат киладиган хадисалар хам кўп.

Шулардан бири имом Муслим ўзининг «Сахих» китобида амирул мұмминийн Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят килган ва Жибрил алайхиссолату вассалом иймон хакида сўраган машхур хадисдир: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Жибрил алайхиссолату вассаломнинг саволига: «Иймон Аллохга, унинг фаришталари, китоблари, элчилари, охират куни ва тақдирнинг яхши ва ёмонига ишонишингиздир»- деб жавоб бердилар». Бу хадисни Имом Муслим ва Имом Бухорий Абу Хурайра розияллоху анхудан хам бироз фарқ билан ривоят килдилар.

Демак, бу олти асосдан мусулмон киши Аллох таъоло. Охират ва бошка гайб ишлари хакида эътиқод килиши керак бўлган барча нарса келиб чикади.

Биринчи:

Аллоҳ таъолога иймон келтириш

«Бандаларнинг Холики, ризкларини берувчи, сиру асрорларига кадар билувчи, уларга эхсонлар килувчи ва итоатлиларга савоб, итоатсизларга жазо беришга кодир бўлгани учун хам, шериксиз ёлгиз ўзигина ибодат килинишга лойик бўлган хакикий илоҳдир»- деб иймон келтириш Аллоҳ таъолога бўлган иймоннинг ажралмас кисмидир. Аллоҳ таъоло шу ибодат учунгина инсон ва жинларни яратди хамда буюрди: **«Мен жин ва инсонларни ўзимгагина ибодат килишлари учун яратдим. Мен улардан ризқ истамасман ва менга таом беришларини ирова килмайман. Дарҳакикат, Аллоҳ ризқ берувчи ва буюк кудрат сохибидир»** (Зориёт: 56-58).

«Хой одамлар, сизларни ва сизлардан аввал яшаб ўтган кишиларни яратган роббингииздан кўркинглар! (У) сизлар учун ерни тўшаган, самони тиклаган, осмондан сувни тушуриб, у билан сизлар учун ризқ килиб мева ларни чикарган зотдир. Била туриб Аллоҳ учун тенгдош чакирманглар!» (Бакара: 21,22).

Ушбу хакикатни баён килиш, унга даъват этиш ва унинг зиддидан огохлантириш учун Аллоҳ таъоло пайгамбарларни юбориб, китобларни индирди. Аллоҳ таъоло деди:

«Биз барча халкка: «Аллоҳгагина ибодат килинглар ва тогутдан узок бўлинглар!»- деб даъват этадиган элчини юбордик» (Нахл: 36)

«Биз сиздан аввал юборган хар бир пайгамбарга: «Мендан ўзга илоҳ йўқ, менгагина ибодат килинглар»- деб вахий килганмиз» (Анбиё: 25)

«...Хаким ва Хабардор бўлган зот томонидан Оятлари мустахкам килиниб: «Аллоҳгагина ибодат килинглар» деб баён этилган Китобдир. Мен сизлар учун огохлантирувчи ва хушхабарчидирман-» (Худ: 1,2).

Бандалар килаётган дуо, хавф, умид, намоз, рўза, курбонлик, назр ва бундан бошка Аллохга бўлган комил мухаббат хамда унинг буюклиги олдида ўта хокисорлик ила бўйинсуниш билан бирга рагбат ва кўркув каби ибодатларни Аллохнинг ўзи учунгина килиш – бу ибодатнинг хакикатидир.

Куръон каримнинг қўп кисми ушбу буюк асос хакида нозил бўлган. Аллох таъоло деди:

«Аллохга динни холис килиб сигининг! Билингки, холис дин Аллох учундир» (Зумар: 2,3).

«Роббингиз ўзигагина ибодат килишингизга хукм килди» (Исро: 23).

«Кофиirlар ёқтирмасаларда, Аллохга динни холис килиб дуо килинглар!» (Гофири: 14).

(Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг) «Сахих» тўпламларида Муоз ибн Жабал розияллоҳу анхудан ушбу хадис накл килинган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Аллохагина ибодат килиб. Унга бирон нарсани шерик килмаслик – бандалар зиммасидаги Аллохнинг хаккидир»».

Аллох таъоло бандаларига фарз килган Исломнинг беш рукни: «Аллохдан ўзга илоҳ йўқ ва Мухаммад Аллохнинг элчisi»- деб гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо этиш, закотни бериш, рамазон ойининг рўзасини тутиш, кодир бўлган кишининг хаж килиши ва бундан бошка шариат олиб келган фарзларга иймон келтириш – Аллохга бўлган иймондандир.

Бу рукнларнинг энг муҳими «Аллохдан ўзга илоҳ йўқ ва Мухаммад унинг элчисидир»- деб гувоҳлик беришдир.

«Аллохдан ўзга илоҳ йўқ» деб гувоҳлик бериш, ибодатни Аллохнинг ўзи учунгина холис килиш ва бошкаларга ибодат килишни инкор этишни такозо килади. Шугина «Ла илаха иллаллоҳ» нинг маъносидир. Яъни Аллох таъолодан бошка сигинилаётган барча инсон, фаришта, жин ва бошка маҳлукотларнинг хар бири сохта маъбуддир. Хакикий маъбуд эса, Аллох таъоло эслатиб ўтганидек, Аллохнинг ўзидир: «... сабаби Аллох хакикатдир ва одамларнинг ундан бошка сигинаётган барча маъбудлари ботилдир».

Биз юкорида Аллох таъоло ушбу асос учун инсон ва жинларни яратиб, шунга буюриб, элчи ва китобларини юборганини эслатиб ўтган эдик. Шундай экан, сиз бироз фикр юритсангиз, ушбу асослар хакикатини кўплаб мусулмонлар билмагани ва Аллох билан бирга бошка маҳлукларга сигинганлари, шу билан бирга Аллохнинг хакикий хаккини бошкалар учун сарф этганларини очик-ойдин билиб оласиз. Аллохнинг ўзи ёрдам берсин!

«Аллох барча оламнинг Холики, ишларини тадбирловчиси, уларни ўз илми ва кудрати билан хохлаганидек тасарруф этувчи, дунё ва охиратнинг подшохи, барча оламларнинг роббисидир. Ундан ўзга Холик ва Роб йўқ, У бандаларнинг ислохи ва дунё ва охиратдаги нажотига даъват килиш учун пайгамбар ва китобларни юборган. У бу ишларнинг барчасида шериги йўқ ягонадир». Шу нарсаларга ишониш Аллохга бўлган иймоннинг бир кисмидир.

Аллох таъоло деди: «Аллох барча нарсанинг Холикидир ва У барча нарсага вакилдир» (Зумар: 62)

«Дарҳакикат, роббингиз – Аллох самовот ва ерни олти кунда яратган, сўнгра Аршга кўтарилиган. Кечани кундузга ўрайди, (кеча кундузни) шошилган холда талаб килади. Куёш, Ой ва юлдузлар унинг амрига бўйинсундирилган. Билингки, яратиш ва буюриш Унингдир. Барча оламлар роббиси бўлган Аллох буюқдир» (Аъроф: 54).

Куръон Карим ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ишончли суннатларида ворид бўлган Аллох таълонинг гўзал исм ва буюк сифатларига **таксиф** (Куръон ва ишончли суннатда ворид бўлган исм ва сифатлар маъноларини ўзгартиш), **таътил** (Аллох таълонинг исм ва сифатларни бекор килиш), **такийиф** (Исм ва сифатларнинг Аллох таълода бўлишини ўз хошиига кура тасаввур килиш) ва **тамсил** (Аллохнинг исм ва сифатларини маҳлукларнинг исм ва сифатларига ўхшатиш) сиз буюклигига лойик суратда сифатлаш керак деб иймон келтириш ва кайфиятсиз тушуниш – Аллохга бўлган иймондандир. Аллох таъоло деди:

«У(Аллох)га ўхшаш бирон нарса йўқдир. У эшитувчи ва курувчи зотдир» (Шўро: 11)

«Аллох учун зарбулмасал килманлар! Аллох билади ва сизлар билмайсиз» (Нахл:74).

Бу – расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг сахобалари ва уларга яхшилик билан эргашган «ахлуссунна валжамоа» нинг эътиқодидир. Буни Имом Абул-Хасан Ашъа- рий раҳимаҳуллоҳ ўзининг «ал-Маколот ан асхабил-хадис ва ахлиссунна» китобида накл килди. Ундан бошқа қўплаб илм ва иймон ахллари бу каби сўзларни ривоят килдилар.

Авзо́йи́й раҳимаҳуллоҳ деди: «**Зухрий ва Макхулдан (Аллохнинг) сифатлари баён килинган оятлар хакида сўралганида: «Оятларда кандай келган бўлса шундай тушунинглар!»**- деб жавоб бердилар».

Валид ибн Муслим раҳимаҳуллоҳ деди: «**(Имом) Молик, Авзо́йи́й, Лайс ибн Саъд ва Суфён Саврий раҳимаҳуллоҳлар (Аллохнинг) сифатлари хакида берилган саволларга: «Оятларда кандай келган бўлса, шундай, кайфиятсиз тушунинглар!**»- деб жавоб берганлар».

Авзо́йи́й раҳимаҳуллоҳ: «**Биз ва тобииналарнинг барчаси: «Аллоҳ субҳонаху Арши устида» деб айтар ва суннатда ворид бўлган сифатларга иймон келтирас эдик**»- деди.

Рабиъа ибн Абу Абдурраҳмон Имом Молик раҳимаҳуллоҳга Аллоҳ таълонинг Аршга қўтарилиши хакида савол берганида У: «**Кўтарилиш маълум, бироқ, кайфиятини акл идрок эта олмас. Аллоҳдан элчи юбориш, пайгам- бардан етказиш ва биздан тасдиклаш**»- деб жавоб берди.

Имом Молик раҳимаҳуллоҳга Аршга қўтарилиш хакида савол берилганида: «**Кўтарилиш маълум, кайфияти номаълум, унга иймон келтириш фарз ва у хакида сўраш бидъатdir**»- деб жавоб берди-да, савол берган одамга: «**Сен ёмон одам экансан**»- деди ва уни хузуридан чикиришга амр этди.

Муъминларнинг онаси Умму Салама розияллоху анходан хам шу мазмундаги сўзлар ривоят килинди.

Имом Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимаҳуллоҳ: «**Биз роббимизни самовотлар тепасида, Арш устида, маҳлукларидан ажраган деб биламиз**»- деди.

Имомларнинг бу тўғрида айтган гаплари қўп бўлиб, бу ерда накл килиш имкони йўқдир. Буларни билмокчи бўлган одам суннат олимлари ёзган китобларга муружаат килсин. Масалан: Абдуллоҳ

ибн Имом Ахмаднинг «ас-Сунна», Мухаммад ибн Хузайманинг «ат-Тавхид», Абу Бакр ибн Абу Осимнинг «ас-Сунна», шайхулислом ибн Таймийянинг Хамо ахлига берган жавоблари. Бу жавобларнинг катта фойдалари бор. Унда муаллиф «ахлуссунна» эътиқодини очик баён килган ва улар айтган сўзларнинг тўгри, душманлари айтган сўзларнинг ботил эканига далолат килувчи шаръий ва аклий далилларни келтирган.

Шунингдек, у ўзининг «ат-Тадаммурийя» рисоласида бу мавзуни кенгрок ёритиб, «ахлуссунна» эътиқодини аклий, наклий далиллар ва мухолифларга раддиялар бериш билан баён килган. Хакикатни билишни хоҳлаган кишилар бу асарларга мурожаат этсинлар.

Аллоҳ таълонинг исм ва сифатларида мухолиф эъти-кодда бўлган хар бир киши, аклий ва наклий далилларга хилоф бўлгани учун, исм ва сифатларни исбот ёки инкор этар экан зиддиятлар ичida колиши мукаррардир.

«Ахлуссунна вал-жамоа» эса Аллоҳ таъолога Аллоҳ ўзи учун Куръон Каримда ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам суннатларида исбот этган барча исм ва сифатларни исбот этдилар хамда Аллоҳни маҳлукларга ўхшашдан бутунлай покладилар. Натижада, зиддиятлардан узок бўлиб, далилларга амал килдилар. Бу – пайгамбарлар олиб келган хакикатни ушлаган, шу хакикат учун бор кучини сарф этган ва Аллоҳ учун хакикатга муваффак хамда уни зохир килиши учун холис бўлган кишилардаги Аллоҳ таълонинг суннатидир. Аллоҳ таъоло деди:

«Балки, биз хакикатни ботил устига отамиз. Хакикат ботилни яксон килади. Баногнох ботил йўқ бўлур» (Анбиё: 18)

«Улар кандай мисол келтирмасинлар, биз сизга хакикат ва энг гўзал тафсирни олиб келдик» (Фуркон: 33).

Хофиз ибн Касир раҳимахуллоҳ ўзининг машхур тафсирида Аллоҳ таълонинг: **«Роббингиз - ер ва осмонни етти кунда яратиб, Аршга кўтарилигган Аллоҳдир»** оятини чиройли тафсир килган. Биз хам унинг сўзларини бу ерда келтирасак фойдадан холи бўлмайди. У шундай деди: «Одамлар бу хақда турлича сўзлар айтган бўлиб, уни бу ерда келтиришнинг имкони йўқ. Биз бу ишларда салаф солихлар: Имом Молик, Авзойй, Саврий, Лайс ибн Саъд, Имом Шофиий, Имом Ахмад, Исҳок ибн Роҳвайх ва бошка яшаган ва яшаётган имомларнинг йулидан юрамиз. Яъни исм ва сифатларни ворид

бўлгани каби тайиф, ташбих ва таътилсиз тушунамиз ва тушунтирамиз. Ўхшатувчиларнинг хаёлларига келаётган куринишлар Аллоҳда йўқдир. Чунки, Аллоҳга маҳлукларнинг биронтаси ўхшамас ва У Эшитувчи ва Курувчи зотдир. Балки, иш Имом Бухорийнинг устози Нуъайм ибн Хаммод Хузоийнинг: «Аллоҳни маҳлукига ўхшатган киши – кофирдир. Аллоҳ ўзини сифатлаган сифатларни инкор этган киши – кофирдир. Аллоҳ ва расули Аллоҳни сифат- лаган нарсаларда ўхшатиш йўқдир»- деб айтгани кабидир. Аллоҳ таъоло учун оятлар ва ишончли суннатларда ворид бўлган исм ва сифатларни (Аллоҳнинг) буюклигига лойик суратда исбот этиб, Аллоҳдан нуксонларни рад этган киши хидоят йулидадир».

Иккинчи:

Фаришталарга иймон келтириш

Бу иймон фаришталарга муҳтасар (умумий) ва муфассал тарзда иймон келтиришни ўз ичига олади. Мусулмон одам Аллоҳ таъолонинг фаришталари бор экани, У уларни ўзигагина итоат килишлари учун яратган экани хамда уларни Аллоҳдан аввал бирон сўз айтмайдиган, балки, Аллоҳнинг амрига мувофик амал киладиган хурматли бандалар деб сифатлаганига иймон келтиради.

Аллоҳ таъоло деди: «Аллоҳ уларнинг олд ва оркаладидаги барча нарсани билади. У(фаришта)лар Аллоҳ рози бўлган кишинигина шафоат киладилар. Холбуки, улар Аллоҳнинг кўркувидан шафкат сўрайдилар» (Анбиё: 28).

Фаришталар турли вазифаларни бажарадилар. Уларнинг баъзилари Аршни кўтариш, баъзилари жаннат ва жаханнам посбонлиги, баъзилари эса бандаларнинг килган амалларини саклашга вакил килинган.

Биз муфассал суратда Аллоҳ таъоло ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам исмларини баён килган Жибрил, Микоил, жаханнам посбони Молик, сурга дам уришга вакил килинган Исрофил каби фаришталарга иймон келтирамиз. Уларнинг исмлари кўплаб ишончли хадисларда ривоят килинган. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ» китобида Оиша розияллоҳу анходан накл килинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «**Фаришталар нурдан, жинлар оловнинг алангасидан, Одам (алайхиссолату вассалом) роббингиз сизга сифатлаган нарса (лой) дан**

яратилган». Бу хадисни Имом Муслим хам ўзининг «Сахих» ида ривоят килди.

Учунчи:

Китобларга иймон келтириш

Аллох таъоло ўз хаккини баён килиш ва унга даъват этиш учун пайгамбарларига китоблар нозил килганига муфассал тарзла иймон келтиришимиз фарздир.

Аллох таъоло деди: «**Биз элчиларимизни хужжатлар билан юбордик ва улар билан бирга Китоблар хамда одамларadolатни барпо килишлари учун тарозини туширдик»** (Хадид: 25)

«Одамлар яхлит бир уммат эдилар. Аллох уларга хушхабарчи ва огохлантирувчи элчиларни юборди ва улар билан бирга одамлар уртасида ихтилоф килган нарсаларида хукм килишлари учун хакикат билан Китобларни нозил килди» (Бакара: 213).

Аллох таъоло исмларидан хабар берган Таврот, Забур, Инжил ва Куръонга муфассал тарзда иймон келтирамиз.

Куръон Карим бу китобларнинг энг афзали ва сўнгисидир. У ўзидан аввалги барча китобларга ракиб-шохид ва уларни тасдикловчи. Уммат унга расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг ишончли суннатлари билан бирга эргашиши хамда улар билан хукм килиши керак. Чунки Аллох таъоло Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламни жинлар ва одамларга юборди. Ул зотга инсу-жинлар ўртасида хукм килиши учун куръонни нозил килди ва уни калблардаги касалликларга шифо, барча нарсанинг баёни ва мұмминлар учун хидоят ва раҳмат килди.

Аллох таъоло деди: «**Бу – биз нозил килган муборак Китобдир. Унга эргашингиз ва такво килингиз! Шояд сизларга раҳм килинса»** (Анъом: 155)

«Биз сизга Китобни барча нарсанинг баёни, мусулмонлар учун эса хидоят, раҳмат ва башорат ўларок нозил килдик» (Нахл: 89)

«Айтинг; «Хой одамлар, мен сизларга самовот ва ернинг мулки унинг бўлган зотнинг элчисиман. Ундан ўзга илоҳ йўқ

унинг ўзи хакдир, У тирилтиради ва ўлдиради. Бас, Аллохга ва унинг Аллохга, Аллохнинг сўзларига иймон келтирган уммий пайгамбар-элчисига иймон келтиринглар! Унга эргашинглар! Шояд хидоят топсангизлар» (Аъроф: 158).

Бу маънодаги оятлар жуда хам кўпdir.

Туртинчи:

Пайгамбарларга иймон келтириш

Пайгамбарларга умумий ва муфассал тарзда иймон келтириш фарздир.

Биз: «Аллох таъоло бандаларига ўзлари ичидан хушхабарчи, огохлантирувчи ва хакикатга даъват этувчи элчиларни юборган. Уларга ижобат килган кимса баҳт-саодатга эришиб, мухолиф бўлган кимса муваффакиятсизлик ва надоматга мубтало бўлади. Пайгамбарларнинг энг афзали ва охиргиси Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламдирлар»- деб иймон келтирамиз.

Аллох таъоло деди: «**Биз барча ҳалкка Аллох таъологагина ибодат килинглар ва тогутдан узок бўлинглар!**»- (деб даъват этадиган) элчиларни юбордик» (Нахл: 36)

«Биз пайгамбарлардан кейин одамлар учун Аллохнинг зарарига хужжат бўлмасин учун пайгамбарларни хушхабарчи ва огохлантирувчи килиб юбордик» (Нисо: 165)

«Мухаммад (соллаллоҳу алайхи ва саллам) сизларнинг эркакларингиздан бирортасининг отаси эмас. Балки, Аллохнинг элчиси ва пайгамбарларнинг сўнггисидир» (Ахзоб: 40).

Аллох таъоло исмларини баён килган ёки расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламдан событ бўлган Нуҳ, Худ, Солих, Иброҳим ва бошка пайгамбарларга исмлари билан иймон келтирамиз. Аллох таъоло пайгамбаримиз ва уларнинг барчасига салавот ва саломлар йўлласин!

Бешинчи:

Охират кунига иймон келтириш

Охират кунига иймон келтириш ичига Аллох таъоло ва расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ўлимдан сўнг бўлиши хакида хабар берган кабр фитнаси, кабр азоби ва неъматлари, киёмат куни бўладиган даҳшатлар, Сирот кўприги, тарози, хисоб-китоб, мукофотлаш, одамлар ўртасида амал номаларининг таркатилиши: одамларнинг баъзилари уни чап ва баъзилари ўнг ва баъзилари орка томонларидан олишлари, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга берилган Хавз, жаннат, жаханнам, музминларнинг ўз роббилиарини кўришлари ва Унинг улар билан сўзлашиши ва бундан бошка, Аллохнинг Китоби ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хадисларида событ бўлган барча нарсаларга иймон келтириш хам киради.

Буларнинг барчасига Аллох ва Унинг расули (соллаллоху алайхи ва саллам) хабар берганидек иймон келтириш фарздир.

Олтинчи:

Такдир (кадар) га иймон келтириш

Такдирга иймон келтириш тўрт нарсани ўз ичига олади:

Аллох таъоло бўлган ва бўладиган барча нарсани билган экани.

Аллох таъоло бандаларининг ахволлари, ризклари, ажаллари, амаллари ва бундан бошка ишларининг барчасини билган ва унга хеч бир нарса сир эмас.

Аллох таъоло деди: «**Аллох барча нарсани билувчи**дир» (Мужодала: 7)

«Тики сизлар Аллох барча нарсага кодир эканлиги ва Аллох хар бир нарсани Ўз билими билан ихота килиб олганини билишларингиз учун...» (Талок: 12).

2. Аллох таъоло такдир ва хукм килган барча нарсани ёзган экани.

Аллох таъоло деди: «**Биз ер улардан канча нарсани камайтира олганини билдиқ. Бизнинг хузуримизда (барча нарсани) сакловчи Китоб бордир**» (Коф: 4)

«Биз барча нарсани очик Китобда белгилаб қўйдик» (Ёсин: 12)

«Аллох Само ва Ердаги барча нарсани билишини билмадингизми?! Унинг барчаси Китобда ёзилгандир. Дарҳакикат, бу Аллох учун осондир» (Хаж: 70).

3. Аллохнинг таъсир этувчи хошишига ишониш.

Аллох таъоло хохлаган нарса бўлади ва хохламаган нарса бўлмайди.

Аллох таъоло деди:

«Аллох хохлаганини килади» (Хаж: 18)

«Балки, Унинг иши бир нарсани хохлаб колса «Бўл!» дейди ва у бўлади» (Ёсин: 82)

«Сизлар барча Оламлар роббиси бўлган Аллох хохласагина хохлайсизлар» (Таквир: 29).

4. Аллох таъолонинг барча маҳлукотни яратган экани.

Маҳлукотларнинг Аллоҳдан бошқа Холики ва Роббиси йўқдир.

Аллох таъоло деди: **«Аллох барча нарсанинг Холикидир ва У барча нарсага Вакилдир» (Зумар: 62)**

«Хой одамлар, Аллохнинг берган неъматларини ёдга олинглар! Сизлар учун осмону ердан ризқ берадиган Аллоҳдан ўзга Холик борми?! Ундан бошқа илоҳ йўқдир. Бас, сизлар каёкка бурилиб кетмокдасизлар» (Фотир: 3).

«Ахлуссунна вал-жамоа» эътиқодида тақдирга иймон келтириш, бидъатчиларга хилоф ўларок, мазкур тўрт нарсага иймон келтиришни ўз ичига олади.

Аллох таъолога иймон келтириш ичига: «Иймон – талаффуз ва амал бўлиб, Аллоҳга итоат килиш билан кўпаяди ва осий бўлиш билан озаяди. Модомики, халол хисобламас экан, ширк ва қуфрдан бошқа зино, ўғирлик, судхўрлик, маст килувчи ичимликларни ичиш, ота-онаға ок бўлиш ва бундан бошқа катта гуноҳларни килиш билан бирон бир мусулмонни коғир деб хисоблаш мумкин эмас»- деб эътиқод килиш хам киради. Зоро, Аллох таъоло шундай деди: «Ал-

лох ўзига шерик иклинишини кечирмайди ва ундан бошка барча гунохларни хохлаган кишиси учун кечиради» (Нисо: 48 ва 116).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят килинган энг ишончли хадисларда хам, Аллох таъоло калбидаги уругича иймон бўлган кимсаларни жаханнамдан чикириши хакида хабарлар келган.

Аллох таъолога иймон келтириш ичида Аллох йулида яхши кўриш ва Аллох йулида нафратланиш хамда Аллох йўлида дўстлашиш ва Аллох йўлида душман бўлиш хам киради. Демак, муъмин муъминларни севиб, улар билан дўст бўлади. Кофирларни эса ёмон кўриб, уларни ўзи учун душман деб хисоблайди.

Ислом Умматининг биринчи муъминлари – расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг сахобалари эди.

«Ахлуссунна вал-жамоа» расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг сахобаларини севиб, уларни ўзлари учун дўст деб хисоблайдилар ва уларни: «Пайгамбарлардан сўнг одамларнинг энг афзаллари»- деб эътиқод киладилар.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Асрларнинг¹[1] энг яхшироги менинг асрим. Кейингиси улардан кейингилари, кейингиси улардан кейингилари»** (Муттафакун алайх).

«Ахлуссунна вал-жамоа»: «Сахобаларнинг энг афзали Абу Бакр Сиддик, кейингиси Умар ибн Хаттоб, кейингиси Усмон Зуннурайн, кейингиси Алий ал-Муртазо, улардан кейингилари жаннатдан башорат берилган ўнта сахоба, кейин- гилари эса бошка сахобалардир (Аллох улардан рози бўлсин!)- деб эътиқод киладилар.

«Ахлуссунна вал-жамоа» сахобалар ўртасида бўлиб ўтган келишмовчиликлардан кўз юмадилар ва: «Улар ижтиход килдилар. Тўгри ижтиход килган сахобаларга икки, хато ижтиход килган сахобаларга битта савоб бор»- деб эътиқод киладилар.

«Ахлуссунна вал-жамоа» расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга иймон

келтирган ахли байтларининг барчасини севадилар ва уларни ўзлари учун дўст деб биладилар. Улар расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг барча рафикалари – мұғыннан оналарини яхши курадилар ва ўзлари учун дўст деб биладилар хамда уларнинг барчаларига Аллоҳ улардан рози бўлишини сўраб дуо киладилар.

«Ахлуссунна вал-жамоа» расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг сахобаларини ёмон кўрган, уларни сўккан ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг ахли байтлари хакида гулув тушунчаларга бориб, уларни Аллоҳ таъоло кўйган макомлардан юкори макомларга чикарган «рофиза» лар (шиалар) нинг йулларидан хамда расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг хонадонига сўз ва харакатлари билан озор берган «носиба» лардан узок бўладилар.

Кискача сухбатимиз мобайнида тилга олишга харакат килганимиз Аллоҳ таъоло расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам билан бирга юборган «Соглом эътиқод» дир. Бу нажот топгучи тоифа – «ахлуссунна вал-жамоа» эътиқодидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам бу тоифа хакида дедилар: **«Умматимдан бир тоифа Аллохнинг амри келгунига қадар, ҳакикат узра, ёрдамланган холатида колади. Уларга уларни тарқ этган кимсалар зарап етказа олмайдилар».**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: **«Яхудийлар етмиш бир, насронийлар етмиш икки гурухга бўлиндилар. Бу Уммат тез кунда етмиш уч гурухга бўлинади. Уларнинг биридан бошка барча гурухи жаҳаннамда- дир»-** дедилар. Сахобалар: **«Улар кимлар, ё расулуллоҳ?»-** деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: **«Мен ва сахобаларим юрган йўлдан юрган кимсалар»-** деб жавоб бердилар. Демак, бу - маҳкам ушлаш, устида сабот билан туриш ва унга зид бўлган нарсалардан узок бўлиш керак бўлган эътиқоддир.

Ушбу эътиқоддан юз угирган ва унга зид бўлган йуллардан юрган одамларнинг тоифалари хам кўпдир. Улар бут, фаришта, жин, авлиё, дараҳт, тош ва бошка маҳлукларга ибодат килган кимсалардир. Улар пайғамбарларнинг даъватларига ижобат килмаган, балки, уларга Курайш ва бошка араб кабилалари ўжарлик килиб муҳолиф бўлганларидек, муҳолифлик килдилар. Улар ўз маъбудларидан эҳтиёжларини ўташлари, касалликларига шифо, душманлари устидан галаба беришларини сўрашар, улар учун курбонликлар сўйиб, назрлар килар эдилар.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам уларнинг бу амалларини инкор килдилар ва уларни Аллохнинг ёлгиз ўзига холис ибодат килишларига даъват килганларида улар бундан ажабландилар ва инкор килдилар. «Кўпгина олихаларни битта илох килиб қўйдими?! Бу жуда хам ажойиб ишку!» (Сод: 5)

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам уларни тинимсиз Аллох таъолонинг йулига даъват этдилар, ширк амалларидан огохлантирилар ва ўзлари даъват этаётган диннинг хакикатини баён килдилар. Натижада, Аллох таъоло уларнинг бир гурухини ислом динига хидоят килди. Кейинрок эса араблар Ислом динига гурух-гурух бўлиб кира бошладилар. Аллохнинг дини расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам, сахобалар ва тобииналарнинг тинимсиз харакатлари ва жиходлари сабабли барча динлар устидан голиб келди. Кўплаб халклар жаҳолат зулматига гарк бўлиб, уларнинг талайгина кисми пайгамбарлар ва авлиёлар хакидаги гулув тушунчалари, улардан ёрдам сўраб дуо килишлари ва бошка ширк турлари билан жохилият динига кайтдилар-да, «La ilaha illallah» калимасининг маъноларини араб кофирлари билгани каби била олмай колдилар. Бизга Аллохнинг ўзи ёрдамчи бўлсин!

Ширк амали жаҳолатнинг галабаси сабабли пайгамбарлик асридан то бизнинг кунимизга кадар хар ерда намоён бўлмоқда.

Хозирги мушрикларнинг шубҳаси аввалги мушриклар шубҳасининг айнан ўзидир.

Аллох таъоло деди: «(Мушриклар): «Улар бизнинг Аллох хузуридаги хомийларимиздир»- (дедилар)» (Юнус: 18)

«(Мушриклар): «Биз у (олиха) ларга бизларни Аллохга якин килади, деб ибодат киламиз, холос»- (дедилар)» (Зумар: 3).

Аллох таъоло бу шубхани бекор килиб, Аллохдан бошкаси учун, у ким бўлишидан катъий назар, ибодат килган киши кофир бўлиб, Аллохга шерик килган эканини баён килди.

Аллох таъоло деди: «(Улар) Аллохдан ўзга, ўзлари учун зарар ёки фойда бера олмайдиган нарсаларга ибодат киладилар ва: «Ана ўшалар бизнинг Аллох хузуридаги хомийларимиз»- деб айтадилар» (Юнус: 18).

Аллох таъоло уларга ўзининг бу сўzlари билан раддия берди: **«Айтинг; «Сизлар Аллохга Ер ва Осмонларда бўлмаган**

нарсаларидан хабар берасизларми? Мен Аллохни мушриклар сифатлаётган барча нарсалардан поклайман» (Юнус: 18). Аллох таъоло бу оятларда ўзидан бошка барча кимса – пайгамбар, фаришта ва бошкага ибодат килиш, гарчи мушриклар бошкака номлар билан номласалар-да, катта ширк эканини баён килиб деди: «(Мушриклар): «**Биз уларга бизларни Аллохга якин киладилар. Деб ибодат киламиз, холос»-** (дедилар)» (Зумар: 3). Аллох таъоло мушрикларга раддия бериш макомида шундай деди: «**Аллох таъоло улар ўртасида келиша олмаган нарсаларида хукм килади. Дархакикат, Аллох ёлгончи кофирларни хидоят килмайди**» (Зумар: 3). Аллох таъоло уларга дуо, кўркув, умид ва бошка нарсалар билан ибодат килиш Аллох таъолога кофир бўлиш эканидан хабар бериб мушрикларнинг: «**Олихаларимиз бизларни Аллохга якин килади»-** деб айтишлари ёлгон эканидан дарак берди

Соглом эътиқод ва пайгамбарлар олиб келган хабарларга зид бўлган куфр эътиқодлари

Асримизда яшаётган ва ўзларини социалист, коммунист ва баъсчи деб номласада, лекин, Ленин ва Маркс издошлари бўлган дахрийлик ва куфр даъватчилари бўлмиш худосизлар эътиқоди.

Чунки уларнинг тасаввурларининг асоси – охират, жаннат ва жаханнамни инкор этиш ва барча динларга кофир бўлишdir. Уларнинг китобларини ўкиган ва ахволларини ўрганган одам, бу эътиқод барча самовий динларга зид ва эргашган кишиларни дунё ва охиратдаги энг хатарли окибатларга олиб боришини тушуниб етади.

Хакикатга зид бўлган эътиқодлардан бири – ботинийлар ва тасаввуф ахлининг «авлиёлар» деб исмлаган кишиларни Аллохга Коинот ишларини бошкариш ва режалаштиришда шерик деб эътиқод килишларидир.

Улар ўз авлиёларини «кутб», «автод», «гавс» ва бошка ўзлари ихтиро килган номлар билан атайдилар. Бу – рубубиятдаги энг хунук ширкдир. Бу ширк жохилият давридаги арабларнинг ширкидан хам ёмонрокдир. Чунки жохилият даврида яшаган араблар рубубиятда эмас. Балки, ибодат пайтидагина Аллох учун шерик килар эдилар. Уларнинг ширклари хаётларининг фаровонлик давригагина чекланар, кийинчилик пайтларида эса ибодатни Аллох учун холис килар эдилар.

Аллох таъоло деди: «Улар кемага минар эканлар динни Аллох учун холис килишар, Аллох уларни қурукликка саломат етказса Аллохга шерик килар эдилар» (Анкабут: 65).

Улар рубубият Аллох учунгина эканига эътироф этар эдилар: **«Улардан ўзларини ким яратгани ҳакида сўрасангиз улар: «Аллох»- деб жавоб берадилар»** (Зухруф: 87).

«(Сиз): «Сизларни Само ва Ердан ризклантирган, (сизларнинг) эшитиш ва кўриш(ингиз)га эга бўлган, ўлиқдан тирикни, тирикдан ўлиқни чикарадиган ва ишларни режалаштирадиган зот ким?»- деб сўрасангиз, улар тезда: «Аллох»- деб жавоб берадилар. Бас, Сиз улар- га: «Ундай бўлса каёкка бурилиб кетаяпсизлар?»- деб айтинг» (Юнус: 31).

Бу маънодаги оятлар жуда хам кўп.

Кейинги мушриклар аввалги мушрикларга икки нарсани зиёда килдилар:

Биринчи: Баъзи одамларнинг Аллох таъолога рубубиятда шерик килишлари.

Иккинчи: Хам фаровонли, хам кийинчилик пайтларида Аллох таъолога шерик килишлари.

Буни уларнинг ахволларидан ўрганиб, улар ичидаги юрган хамда Мисрдаги Хусайн ва Бадавий, Адандаги Айдарус, Ямандаги Ходий, Шомдаги Ибн Арабий, Ироқдаги Абдулкодир Жийлоний, (Бухородаги Бахоуддин Накшбанд) ва бошкамарнинг кабрлари олдида килинаётган ишларни кўрган одам жуда яхши билади. Уларнинг бу ишларини таъкилаб, Аллох таъоло Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва бошка пайгамбарлар билан юборган тавхид ҳакикатини баён килиб берадиган одамларнинг сони жуда хам оздир. **«Биз Аллохнинг (кули) миз ва Унгагина кайтувчиридирмиз».**

Биз Аллох таъолодан уларни тўғри йўлга йўллаши, улар ўртасида хидоят даъватчиларини кўпайтириши хамда мусулмонларнинг раҳбарлари ва уламоларини бу ширкни илдизи билан куритишларига муваффак килишини сўраймиз. У эшитувчи ва якин зотdir.

Соглом эътикодга исм ва сифатларда зид бўлган эътикодлардан бири – жахмий, мўтазила ва уларнинг йўлларидан юрган бидъатчиларнинг Аллохнинг сифатларини рад этиш ва Аллохнинг камолотига лойик бўлганидек тушунмаслик хамда Аллох таъолони маҳлук, ашё ва бўлиши мумкин бўлмаган сифатлар билан сифатлашдаги эътикодларидир. Аллох уларнинг айтган сўзларидан бутунлай буюkdir.

Булар жумласига Ашъарийлар каби Аллохнинг баъзи сифатларини исбот ва баъзиларини инкор этган гурухлар хам киради. Уларнинг исбот этган сифатларида ўzlари инкор этган ва аклий хамда наклий далилларини таъвил килган сифатлардаги улар кочган нарсанинг ўхшаши (яъни: ташбих) лозим бўлади. Улар бу ишда очик карама-каршиликка тушиб коладилар.

Аммо «ахлуссунна вал-жамоа» Аллох таъоло учун Аллох ва расули Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам исбот этган исм ва сифатларни комил суратда исбот этдилар ва Аллох таъолони маҳлукларига ўхшашдан бутунлай покладилар. Улар далилларга амал килдилар ва бирон бир ўзгартишга йўл кўймадилар. Натижада, бошқалар тушган зиддиятлар гирдобига тушмадилар. Шугина дунё ва охиратдаги баҳт-саодат йўлидир. Шугина бу Умматнинг салафи ва имомлари юрган йўлдир. Зеро, бу Умматнинг охирини Аллохнинг Китоби ва суннатга эргашиш ва у иккисига зид бўлган нарсани тарк килишгина ислоҳ килиши мумкин.

Аллох субхонаху ва таъолодан газабининг сабабчилари ва аламли азобларидан паноҳ сўрайман.

Аллох пайгамбаримизга, унинг оиласи ва сахобаларига салавот ва саломлар йўлласин!

* * *